

«Paxtasanoat Ilmiy Markazi» AJ
Кузатув кенгаши мажлисининг 7-сонли баёни

Тошкент ш. Ш.Руставели кўчаси, 8-уй
Йиғилиш вақти 16.00

2017 йил 28 июл

Қатнашдилар:

Кузатув Кенгаши раиси – И.Собиров

Кузатув Кенгаши аъзолари – Б.Турабов, О.Назаров Д.Рафиқов.

Кворум – 80%

Таклиф этилганлар:

“Ўзпахтасаноатэкспорт” ХК бошқарув раисининг биринчи ўринбосари
А.Мақсудов,
Бош директори в.б. Р.Гуляев, Ф.Бабаджанов, Г. Досанов.

КУН ТАРТИБИ

1. «Пахтасаноат илмий маркази» АЖ таъсисчиси ҳисобланган “Бектемир чигитни линтерлаш” МЧЖ уставини ошириш ҳисобига ичимлик суви ишлаб чиқариш масаласи

Кун тартибидги масала бўйича Жамият бош директори в.в.б. Р.Гуляев сўзга чиқиб, «Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамияти 2008 йил 23 сентябрдаги таъсисчиларнинг умумий йиғилишининг 2-сонли қарорига асосан “Бектемир чигитни линтерлаш” МЧЖ таркибига таъсисчи сифатида жами баҳоси 480 723,0 минг сўмлик бино-иншоот, ускуналар қолдиқ қийматда баҳоланиб, 11% улуш билан кирган.

Ушбу МЧЖ таъсисчилари таркибига “Тошкент ёғ мой комбинати” АЖ (55,38%), “Янгийўл ёғ мой” АЖ (27,52%), “Ўзбекизоқовқатсаноат” ХК (3,88%) ҳамда “Зулайхо Ж.А” МЧЖлар (1,29%) пул кўринишида улушлар билан кирганлар.

Бугунги кунда “Бектемир чигитни линтерлаш” маъсулияти чекланган жамият фаолияти тўхтатганлиги сабали “Тошкент ёғ-мой комбинати” АЖ ушбу ерда сув ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун уставга ҳамда таъсис шартномасига ўзгартириш киртишга рухсат сўраб, таъсисчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибига мазкур масалани киритганлигини билдириб ўтди.

“Бектемир чигитни линтерлаш” маъсулияти чекланган жамият ҳақиқатдан ҳам кўп йиллардан бери тўхтаб турганлиги, унинг ҳеч қандай фойда келтирмаётганлигини инобатга олиб, жамиятнинг фаолиятини чуқур ўрганган ҳолда бошқа бир фойда келтирадиган фаолият турига ўзгартириш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари «Пахтасаноат илмий маркази» АЖ 2017 йил 24 июлдаги хатига мувофиқ “Бектемир чигитни линтерлаш” МЧЖ томонидан таклиф этилаётган Бизнес режа билан ҳам танишиб чиққанлигини, агар ушбу режа амалга ошса МЧЖ фаолияти ривожланиб кетиши ҳамда таъсисчиларга яхшигини даромад олиб келиши мумкинлигини айтиб ўтди.

Кузатув Кенгаши кун тартибидаги масала бўйича муҳокамалардан сўнг **қарор қабул қилинди:**

“Бектемир чигитни линтерлаш” МЧЖга “Тошкент ёғ-мой комбинати” АЖнинг уставини ошириш ҳисобига ичимлик суви ишлаб чиқариш бўйича қарори маъқуллансин.

Кузатув кенгаши аъзолари қарорни бир овоздан маъқулладилар, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Кузатув Кенгаши раиси
Кузатув Кенгаши аъзолари

И. Собиров
Б.Турабов
О.Назаров
Д. Рафиқов

«Paxtasanoat Ilmiy Markazi» AJ
Кузатув кенгаши мажлисининг 2-сонли баёни

Тошкент ш. Ш.Руставели кўчаси, 8-уй

2017 йил 17 феврал

Йиғилиш вақти: 10.00

Қатнашдилар:

Кузатув Кенгаши раиси - И.Собиров

Кузатув Кенгаши аъзолари – Т.Саттаров, Б.Рахматуллаев, Д.Рафиқов, Р.Хамидов,
Кворум – 100%

Таклиф этилганлар:

Бош директори в.б. Р.Гуляев, И. Искандаров, Қ.Жуманиязов, Ш.Нарзуллаев,
З.Ғофуров, Ф.Бабажанов, С. Шаипова, бўлим бошлиқлари ва Г. Досанов.

КУН ТАРТИБИ

1. «Paxtasanoat Ilmiy Markazi» AJ 2016 йил молия–хўжалик яқунлари бўйича жамият ижроия органи ҳисоботини тинглаш;
2. Жамиятнинг 2016 йил яқуни бўйича молиявий ва иқтисодий натижалари бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини дастлабки тарзда тасдиқлаш;
3. 2015 йил яқуни бўйича Ташқи аудит хулосаси ва Тафтиш комиссияси хулосалари, уларни умумий йиғилишга тавсия этиш тўғрисида ҳамда 2016 йилда Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ юзасидан тавсия бериш тўғрисида.

Кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича бош директор в.в.б.Р. Гуляев сўзга чиқиб, қуйидагиларни таъкидлади: 2016 йил яқунлари бўйича «Paxtasanoat Ilmiy Markazi» AJ томонидан тузилган 81 шартномалар бўйича 1 808 474 минг сўмлик ишлар бажарилди.

соф фойда бизнес-режа бўйича 215151,0 минг сўм кўзда тутилган бўлса, амалда 330637,0 минг сўмни ташкил этди. (ҳисобот илова қилинади)

Шунингдек Жамиятда 2016 йил яқунлари бўйича ҳисоблаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли қарори ижроси бўйича тадбиқ этилган Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) билан таништирди (1 ва 2 иловалар). Унда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларининг бажарилиши 79,1 % ни ташкил этган.

Кузатув кенгаши аъзолари қарорни бир овоздан маъқулладилар, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама қилиниб, мажлис қарор қилади:

1. Жамият бош директорининг 2016 йил яқунлари бўйича ахбороти маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлаш учун жамият акциядорларининг умумий йиғилишга тавсия қилинсин.

Кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича сўзни кузатув кенгаши аъзоси Т.Саттаров олиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 102-моддасига асосан:

жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозимлиги белгиланганлигини;

жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шартлигини билдирди.

Шунга кўра жамоат ижроия органи томонидан бу борада амалга оширилган ишлар юзасидан изоҳ беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан “Рахтасаноат ilmiy markazi” АЖ бош ҳисобчиси Ш.Нарзуллаев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2016 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботи билан таништирди (илова қилинади).

2016 йилда “НЛВ Tashkent” МЧЖ билан 2016 йил молиявий ҳисоботларини бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари асосида ҳамда Халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларни аудитнинг халқаро стандартлари асосида ижобий аудит хулосасини берганлигини маълум қилди.

Шу сабабли, бугунги мажлисда жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича бухгалтерия ҳисоби ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботини дастлабки тарзда тасдиқлаш таклифини киритди.

Кузатув кенгаши аъзолари қарорни бир овоздан маъқулладилар, қаршилар ва бетарафлар йук.

Кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама қилиниб, мажлис қарор қилади:

2.Жамият бош ҳисобчисининг 2016 йил якунлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботи юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлаш учун жамият акциядорларининг умумий йиғилишга тавсия қилинсин.

2.1. “Рахтасаноат ilmiy markazi” АЖ бош директори в.в.б.(Р.Гуляев)га:

-дебитор ва кредитор қарзларни камайтириш;

-кўрсатилаётган хизматлар таннархини пасайтириш, харажатларни, жумладан давр харажатларини камайтириш;

-йил якуни бўйича ҳисобланадиган дивидендларни ўз вақтида белгиланган тартибда тўлаб бериш чораларини кўриш топширилсин.

Учинчи масала юзасидан сўз навбати Тафтиш комиссияси томонидан “Рахтасаноат ilmiy markazi” АЖнинг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолиятини тафтишдан ўтказилганлигини баён қилиб, тафтиш натижалари бўйича комиссия хулосасини тақдим этди.

Тафтиш комиссияси хулосасига кўра жамиятда:

2016 йил давомида йирик битимлар тузилмаганлиги;

2016 йил 2-чорак давомида 2 та ва 2016 йил 3-чорак давомида 3 та аффилланган битимлар имзоланганлиги;

Имзоланган аффилланган битимлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 85-91 моддалари талабларига номувофиқ равишда тузилганлиги таъкидлаб ўтилган (Тафтиш комиссияси хулосаси илова қилинади).

2016 молиявий йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини текширган “НЛВ Tashkent” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосасини Ш.Нарзуллаев йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди.(Аудит хизмати хулосаси илова қилинади).

Кузатув кенгаши аъзолари томонидан, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишда сайланадиган тафтиш комиссия аъзолари учун 2016 якуни бўйича 2016 йил якунлари бўйича соф фойданинг 2 фоизи миқдорида ҳақ тўлашни умумий йиғилишга тавсия қилиш таклифи киритилди.

Тафтиш комиссияси ва ташқи аудитор хулосалари тинглаганларидан сўнг, Кузатув кенгаши раиси И.Собиров ушбу хулосаларни маълумот учун қабул қилиш, тафтиш комиссиясига 2016 йилда тўланадиган ҳақ миқдори тўғрисидаги таклифни акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланиш учун тавсия этилиши ҳақида таклиф киритди.

Кузатов кенгаши аъзолари қарорни бир овоздан маъқулладилар, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама қилиниб, мажлис қарор қилади:

3. Тафтиш комиссиясининг 2016 йил яқунлари бўйича хулосаси ва «HLB Tashkent» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг ташқи аудит хулосалари маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлаш учун акциядорларнинг умумий йиғилишида тақдим этилсин.

3.1. «Рахтасаноат Илмий Маркази» АЖ тафтиш комиссиясининг 2016 йил 2-чорак ва 3-чорак давомида имзоланган йирик битимлар бўйича, шунингдек, аффилиланган шахслар билан имзоланган битимлар бўйича хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

3.2. «Рахтасаноат Илмий Маркази» АЖ бош директори в.в.б. (Р.Гуляев)га:

- жамият томонидан 2016 йил 2 ва 3 чорак давомида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 85-91 моддалари талабларига зид равишда аффилиланган битимлар тузилганлиги ҳамда мазкур битимлар юзасидан жавобгарлик жамият ижроия органи зиммасига юклатилиши кўрсатиб ўтилсин;



- келгусида аффилиланган битимларни Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 85-91 моддалари талаблари асосида тузилишини таъминлаш;

- жамият тафтиш комиссияси ва ташқи аудит хизматининг хулосаларида келтирилган камчилик ва тавсияларни ўз вақтида бартараф этиш (тавсияларни амалда қўллаш) ва келгусида бу каби камчиликларга йўл қўймаслик чораларини кўриш топширилсин.

Кузатов кенгаши раиси кун тартибига қўйилган барча масалалар кўриб чиқилганлиги муносабати билан Кузатов кенгаши мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.

Кузатов Кенгаши раиси

Кузатов Кенгаши аъзолари

И. Собиров

Т. Саттаров

Б. Рахматуллаев

Д. Рафиқов

Р. Хамидов



Наименование организации: Rahtasanoat Ilimi Markazi

ПЕРЕЧЕНЬ

основных ключевых показателей эффективности

| № | Показатель A | Удельный вес B | Пропорциональное (целевое) значение C | Фактическое значение D | Процент выполнения E | КТЗ $F = E \times B / 100$ | Формула процента F-E | Обновить |
|---------------|---|-------------------|---|------------------------------|----------------------------|-------------------------------|-------------------------|--|
| | | | | | | | | |
| 1 | Прибыль до вычета процентов, налогов и амортизации (EBITDA - Earning Before Interest, Taxes, Depreciation and Amortization) | | | | | | | |
| 2 | Соотношение затрат и доходов (CIR - Cost Income Ratio) | | | | | | | |
| 3 | Рентабельность привлеченного капитала (ROCE - Return on Capital Employed) | | | | | | | |
| 4 | Рентабельность акционерного капитала (ROE - Return On Equity) | | | | | | | |
| 5 | Рентабельность инвестиций акционеров (TSA - Total Shareholders Return) | | | | | | | |
| 6 | Рентабельность активов | 0,50 | 0,50 | 0,07 | 14 | 0,07 | | |
| 7 | Коэффициент абсолютной ликвидности | 0,50 | 0,20 | 0,01 | 5 | 0,0250 | | |
| 8 | Коэффициент финансовой независимости | 7 | 6 | 1,76 | 29,333330 | 2,053330 | | |
| 9 | Оборачиваемость кредиторской задолженности в днях | 8 | 91 | 693 | 13,131310 | 1,0505 | | |
| 10 | Оборачиваемость дебиторской задолженности в днях | 10 | 91 | 1258 | 7,2337 | 0,723370 | | |
| 11 | Коэффициент покрытия (платежеспособности) | 74 | 2,03 | 2,07 | 101,970440 | 75,458130 | | |
| 12 | Дивидендный выход | | | | | | | |
| 13 | Показатель снижения дебиторской задолженности в % к установленному заданию | | | | | | | |
| Всего: | | 100,00 | | | | 79,380330 | | <input checked="" type="checkbox"/> Обновить |

[Вернуться](#)

«Paxtasanoat Ilmiy Markazi» AJ
Кузатув кенгаши мажлисининг 3-сонли баёни

Тошкент ш. Ш.Руставели кўчаси, 8-уй
Йиғилиш вақти: 11:00

2017 йил 3 март

Қатнашдилар:

Кузатув Кенгаши раиси - И.Собиров

Кузатув Кенгаши аъзолари – Т.Саттаров, Б.Рахматуллаев, Д.Рафиқов, Р.Хамидов,
Кворум – 100%

Таклиф этилганлар:

Бош директори в.б. Р.Гуляев, И. Искандаров, Қ.Жуманиязов, Ш.Нарзуллаев,
З.Ғофуров, Ф.Бабажанов, С. Шаипова, бўлим бошлиқлари ва Г. Досанов.

КУН ТАРТИБИ

1. «Paxtasanoat Ilmiy Markazi» AJ 2016 йил йил якуни бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш;
2. «Paxtasanoat Ilmiy Markazi» AJ 2016 йил якунлари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши санасини белгилаш.

Кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича Кузатув Кенгаши аъзоси Давлат ишончли вакили Т.Саттаров сўзга чиқиб, Жамият томонидан 2016 йил якунлари бўйича олинган 330637,0 минг сўм соф фойдани Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 3 март 2017 йилги ММ/08-01-35-17/89 сонли кўрсатмасига асосан олинган соф фойданинг 55 фоизини дивиденд тўлашга йўналтириш таклиф этилади.

Мазкур масала юзасидан жамият кузатув кенгаши раиси И.Собиров сўзга чиқиб, жамият томонидан олинган соф фойдалардан жамият меҳнат жамоасини рағбатлантириш учун йўналтирилмаганлигини ҳамда жамият касабга уюшмаси мажлис баённомасини инobatга олиб, 2016 йил якуни бўйича олинган соф фойдани қуйидагича тақсимлаш таклиф этилади:

- 5 фоизи - 16531,8 минг сўм жамият резерв фондини шакллантириш учун;
- 55,1 фоизи - 182180,4 минг сўм дивиденд тўлашга
- 5 фоизи - 16531,8 минг сўм кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлашга;
- 2 фоизи - 6612,72 минг сўм тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлашга;
- 15 фоизи - 49595,4 минг сўм Жамият ходимларини рағбатлантиришга;
- 17,9 фоизи – 59184,88 минг сўмни жамиятнинг моддий техник базасини ривожлантириш ва кейинчалик капитализация қилиш учун йўналтириш.

Кузатув кенгаши кун тартибидаги биринчи масалани ўрганиб чиқиб, қарор қилди:

«Paxtasanoat Ilmiy Markazi» AJ 2016 йил молия-хўжалик йили якунлари бўйича олинган 330636,0 минг сўмлик соф фойдани қуйидагича тақсимлаш тавсия этилсин.

- 5 фоизи - 16531,8 минг сўм жамият резерв фондини шакллантириш учун;
- 55,1 фоизи - 182180,4 минг сўм дивиденд тўлашга
- 5 фоизи - 16531,8 минг сўм кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлашга;
- 2 фоизи - 6612,72 минг сўм тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлашга;
- 15 фоизи - 49595,4 минг сўм Жамият ходимларини рағбатлантиришга;
- 17,9 фоизи – 59184,88 минг сўмни жамиятнинг моддий техник базасини ривожлантириш ва кейинчалик капитализация қилиш учун йўналтириш.

Кузатув кенгаши аъзолари қарорни бир овоздан маъқулладилар, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги **иккинчи** масала юзасидан Кузатов кенгаши аъзоси Д.Рафиқов сўзга чиқиб, амалдаги қонунчиликка асосан «Paxtasanoat Ilmiy Markazi» АЖ 2016 йил якунлари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш лозимлигини айтиб ўтди.

Умумий йиғилиш кун тартиби бўйича Кузатов Кенгаши аъзоси Б.Рахматуллаев сўзга чиқиб, овоз бериш бюллетенларини, санок комиссияси таркиби ҳамда кун тартибини кўриб чиқиб тасдиқлаш ва реестр бўйича йиғилишга иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларга хабар қилиниши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Кузатов кенгаши кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб **қарор қилди:**

1.1 2017 йил 14 март куни соат 10.00да «Paxtasanoat Ilmiy Markazi» АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши жамият биносига чақирилсин;

1.2 умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақидаги хабар қилиш учун жамият акциядорлар реестри тузиладиган сана 2017 йил 03- март умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана 2017 йил 09 март этиб белгилансин.

1.3 ўтказиладиган умумий йиғилиш кун тартиби қуйидаги масалалар киритилсин;

1. Жамият Кузатов кенгашининг 2016 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

2. Жамиятнинг 2016 йил молиявий-хўжалик йили якунлари ва бизнес-режасининг бажарилиши тўғрисида жамият бош директорининг ҳисоботини тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича йиллик балансини, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.

5. «Paxtasanoat Ilmiy Markazi» АЖ нинг 2016 йилги фаолияти бўйича ташқи аудиторлик текшируви хулосаси ва ҳисоботини тасдиқлаш.

6. Жамият томонидан 2016 йил якуни бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш.

7. Жамиятнинг 2017 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режасини тасдиқлаш.

8. Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.

9. Бош директор билан меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш (тасдиқлаш, бекор қилиш).

10. «Paxtasanoat Ilmiy Markazi» АЖ Кузатов кенгаши янги таркибини сайлаш.

11. «Paxtasanoat Ilmiy Markazi» АЖ тафтиш комиссияси янги таркибини сайлаш.

1.4 Санок комиссияси таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

- Азизова Х.А- санок комиссияси раиси
- Болтаев Ф.О-санок комиссияси аъзоси
- Мустафин Р.- санок комиссияси аъзоси

1.5 Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида овоз бериш бюллетени матни, акциядорлар танишиш ҳуқуқига эга бўлган маълумотлар рўйхати иловага мувофиқ киритилсин.

1.6 Жамият ижроия органи (Р.Гуляев)га жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий ишларни амалга ошириш топширилсин.

Кузатов кенгаши аъзолари қарорни бир овоздан маъқулладилар, қаршилар ва бетарафлар йўқ.


Кузатов кенгаши раиси кун тартибига кўйилган барча масалалар кўриб чиқилганлиги муносабати билан Кузатов кенгаши мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.

Кузатов Кенгаши раиси



И. Собиров

Кузатов Кенгаши аъзолари



Т. Саттаров



Б. Рахматуллаев



Д. Рафиқов



Р. Хамидов

«Paxtasanoat Ilmiy Markazi» AJ
Кузатув кенгаши мажлисининг 5-сонли баёни

Тошкент ш. Ш.Руставели кўчаси, 8-уй
Йиғилиш вақти 15.00

2017 йил 23 май

Қатнашдилар:

Кузатув Кенгаши аъзолари – И.Собиров, Б.Турабов, О.Назаров Т.Саттаров, Д.Рафиқов.

Кворум – 100%

Таклиф этилганлар:

Бош директори в.б. Р.Гуляев, Қ.Жуманиязов, И.Искандаров Ш.Нарзуллаев, З.Ғофуров, Ф.Бабаджанов, С.Шаипова, Г. Досанов.

КУН ТАРТИБИ

1. «Paxtasanoat Ilmiy Markazi» AJ Кузатув Кенгаши раисини сайлаш масаласи
2. «Paxtasanoat Ilmiy Markazi» AJ 2017 йил 1 чорак молия-хўжалик яқунлари бўйича жамият ижроия органи ҳисоботини тинглаш ҳамда 2017 йил 1-чорак бўйича Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлар (СМК)ни муҳокамаси;

Кун тартибидги **биринчи** масала бўйича Кузатув кенгаши аъзоси Т Саттаров сўзга чиқиб, жамиятнинг 2017 йил учун кузатув кенгаши аъзолари янги таркибини таништириб ушбу йил олдинги йилга қараганда самаралироқ бўлиши ҳамда биргаликда олдинга кўйилган масалаларни ечимини топиш лозимлигини такидлади.

Кузатув Кенгаши аъзоси О.Назаров сўзга чиқиб, ушбу йил учун Кузатув Кенгаши раиси сайланиши лозимлигини айтиб, ўтган йили ҳам Кузатув кенгаши раиси бўлиб сайланганлигини эътиборга олган ҳолда шу йил ҳам И.Собиров номзодини сайлашни таклиф этди.

Кузатув Кенгаши аъзоси Д.Рафиқов 2016 йилда ҳам И.Собиров билан бирга фаолият олиб борганлигини таъкидлаб ушбу фикр кўллаб қувватлашини билдириб ўтди.

Кузатув Кенгаши аъзолари кун тартибидаги биринчи масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, **қарор қилади.**

2017 йил учун Кузатув Кенгаши раиси этиб И.Собиров номзоди маъқуллансин.

Кузатув кенгаши аъзолари қарорни бир овоздан маъқулладилар, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги **иккинчи** масала юзасидан Кун тартибидаги биринчи масала бўйича бош директор в.в.б.Р. Гуляев сўзга чиқиб, қуйидагиларни таъкидлади: 2017 йил 1 чорак яқунлари бўйича «Paxtasanoat Ilmiy Markazi» AJ томонидан тузилган 39 шартномалар бўйича 1 323 500,4 минг сўмлик ишлар бажарилди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг ушбу чорагига нисбатан 116,4 %ни ташкил этган, ёки 186 679,0 минг сўмга кўпдир.

соф фойда бизнес-режа бўйича 48 564,0 минг сўм кўзда тутилган бўлса, амалда 46 392,0 минг сўмни ташкил этди.

Шунингдек Жамиятда 2017 йил 1 чорак яқунлари бўйича ҳисоблаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли қарори ижроси бўйича тадбиқ этилган Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) билан

таништирди (1 ва 2 иловалар). Унда самарадорликнинг мухим кўрсаткичларининг бажарилиши 81,5 % ни ташкил этган.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида келтирилган қарори билан тасдиқланган Низомга кўра:

СЙК миқдори 81 фоиздан 90 фоизгача бўлса - етарли даражада;

Жорий даврда ижро этувчи орган раҳбари ва аъзоларини мукофотлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган ижро этувчи органни моддий рағбатлантириш пули миқдорини СЙКга кўпайтириш йўли билан аниқланиши белгиланган.

Жамият акциядорларининг 2017 йил 2 майдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган бизнес режага кўра жамият бош директориға ҳар чорак давомида 30 минимал иш ҳақи миқдорида мукофотлаш белгиланган.

Жамиятда СЙК кўрсаткичи 81,5% ни ташкил этганлиги сабабли, $(30 * 149775 = 4493250 * 81,5\% = 3661998,7)$ сўмни ташкил этади.

Кузатув Кенгаши кун тартибидаги иккинчи масалани ўрганиб чиқиб **қарор** қилади:

1. «Рахтасаноат Илмий Маркази» АЖ ижроия органи 2017 йил 1 чорак якуни молия хўжалик якунлари бўйича жамият органининг ҳисоботини маъумот учун қабул қилинсин ва бизнес режанинг соф фойдаси кўрсаткичлари бажарилмаганлиғни кўрсатиб ўтилсин.

2. «Рахтасаноат Илмий Маркази» АЖ бош директори в.в.б (Р.Гуляев)га:

Жамиятда кўрсатилаётган хизматлар таннархини пасайтириш, давр харажатларини камайтириш дебитор, кредитор қарзларни кескин қисқатириш;

Бизнес режанинг барча параметрлари, жумладан соф фойда кўрсаткичлари СМК кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш топширилсин.

Кузатув кенгаши аъзолари қарорни бир овоздан маъқулладилар, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Кузатув Кенгаши раиси кун тартибига қўйилган барча масалалар кўриб чиқилганлиги муносабати билан Кузатув кенгаши мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.


Кузатув Кенгаши раиси



И. Собиров

Кузатув Кенгаши аъзолари

Б.Турабов



О.Назаров



Т. Саттаров



Д. Рафиков

Наименование организации: Paxtasanoat Ilimi Markazi
ПЕРЕЧЕНЬ

основных ключевых показателей эффективности

| № | Показатель | Удельный вес | | | | | Фактическое значение | Процент выполнения | КПД | Формула подсчета | Обновить |
|----|---|--------------|---------------|------|---|-------|----------------------|--------------------|-----|------------------|-----------------|
| | | A | B | C | D | E | | | | | |
| 1 | Прибыль до вчета процентов, налогов и амортизации. (EBITDA - Earning Before Interest, Taxes, Depreciation and Amortization) | | | | | | | | | | |
| 2 | Соотношение затрат и доходов (CIR - Cost Income Ratio) | | | | | | | | | | |
| 3 | Рентабельность привлеченного капитала (ROCE - Return on Capital Employed) | | 0.50 | | | 0.01 | 2 | 0.01 | | | |
| 4 | Рентабельность акционерного капитала (ROE - Return On Equity) | | 0.50 | | | 0.03 | 15 | 0.0750 | | | |
| 5 | Рентабельность инвестиций акционеров (TSR - Total Shareholder Return) | | 7 | 6 | | 1.85 | 30.833330 | 2.158330 | | | |
| 6 | Рентабельность активов | | 8 | 91 | | 11.45 | 7.9476 | 0.635810 | | | |
| 7 | Коэффициент абсолютной ликвидности | | 10 | 91 | | 1832 | 4.967250 | 0.496730 | | | |
| 8 | Коэффициент финансовой независимости | | 74 | 1.25 | | 1.32 | 105.60 | 78.1448 | | | |
| 9 | Оборачиваемость кредиторской задолженности в днях | | | | | | | | | | |
| 10 | Оборачиваемость дебиторской задолженности в днях | | | | | | | | | | |
| 11 | Коэффициент покрытия (платежеспособности) | | | | | | | | | | |
| 12 | Дивидендный выход | | | | | | | | | | |
| 13 | Показатель снижения дебиторской задолженности (в % к установленному заданию) | | | | | | | | | | |
| | Всего: | | 100.00 | | | | | | | 81.519870 | Обновить |

«Paxtasanoat Ilmiy Markazi» AJ
Кузатув кенгаши мажлисининг 6-сонли баёни

Тошкент ш. Ш.Руставели кўчаси, 8-уй
Йиғилиш вақти 11.00

2017 йил 14 июн

Қатнашдилар:

Кузатув Кенгаши аъзолари – И.Собиров, Б.Турабов, О.Назаров Т.Саттаров,
Д.Рафиқов.

Кворум – 100%

Таклиф этилганлар:

Бош директори в.б. Р.Гуляев, Қ.Жуманиязов, И.Искандаров Ш.Нарзуллаев,
З.Ғофуров, Ф.Бабаджанов, С.Шаипова, Г. Досанов.

КУН ТАРТИБИ

1. «Paxtasanoat Ilmiy Markazi» АЖ балансида сақланаётган асосий воситаларини мустақил баҳоловчи ташкилот ёрдамида баҳолаш масаласи

Кун тартибидги **биринчи** масала бўйича Жамият бош директори в.в.б. Р.Гуляев сўзга чиқиб, «Paxtasanoat Ilmiy Markazi» АЖ балансида сақланаётган қуйидаги

1. “Тойота Костер” Микроавтобуси, 1990 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01 946 GCA

2. “Тойота Хайс” Микроавтобуси, 1989 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01 947 GCA

3. “Нексия донс” автомашинаси, 2005 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01 487 CCA

асосий воситаларни яроқсизлиги ҳамда маънавий эскирганлиги сабабли уни белгиланган тартибда бегоналаштириш учун мустақил баҳоловчи ташкилот орқали баҳолашга шартнома тузиш лозимлигини айтиб ўтди.

Кузатув Кенгаши раиси И.Собиров ушбу масала амалга ошириш тартиби ҳақида сўради.

Жамият бош директори в.б. Р.Гуляев бу масала Акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 75-моддасига биноан Жамият кузатув Кенгашининг ваколати доирасига жамият мол-мулкларини бозор қийматини белгилашни ташкиллаштириш кўрсатилганлигини инobatга олган ҳолда юқорида санаб ўтилган автотранспорт воситалари мустақил баҳолаш ташкилоти билан белгиланган тартибда танлов асосида шартнома тузиб, уларни баҳолаган ҳолда оммавий савдолар орқали сотиш лозимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг кузатув кенгаши аъзоси Т.Саттаров сўзга кун тартибидаги мазкур масалани “Ўзпахтасаноатэкспорт” ХК билан келишилганлиги ҳақида сўради.






Жамият бош директори в.б. Р.Гуляев сўзга чиқиб “Ўзпахтасаноатэкспорт” ХК 2017 йил 10 май куни 01-25/426 сонли хат билан мурожаат қилиб, 2017 йил 13 июн санасида МА-11/1112-сонли хат билан тегишли тартибда рухсат олинганлигини таъкидлади.

Кун тартибидаги масала юзасидан қарор қабул қилинди:

Мустақил баҳолаш ташкилоти билан танлов асосида белгиланган тартибда шартнома тузиш масаласи мақуullanсин.

Кузатув кенгаши аъзолари қарорни бир овоздан маъқулладилар, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Кузатув Кенгаши раиси
Кузатув Кенгаши аъзолари

 И. Собиров
 Б. Турабов
 О. Назаров
 Т. Саттаров
 Д. Рафиқов